



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 206 (9852). • 1990 йил 27 октябрь • Баҳоси 5 тийин.



СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАР ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ССЖИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА САҚЛАШДАН МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши томонидан маъқулланган халқ ҳужалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларига мувофиқ ҳамда фуқаролар ўз жамғармаларини ССЖИ жамғарма банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш, омонат кўювчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қарор қилмади:

1. ССЖИ жамғарма банкининг давлат мақоми сақлаб қолинсин ва фуқароларнинг жамғармаларига давлат кафолати тасдиқлансин.

2. ССЖИ жамғарма банки муассасаларида аҳоли қўйган муддатли омонатларга тўланадиган фойда фоизи миқдори омонат қанча муддатга қўйилишига қараб 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб оширилсин.

ССЖИ давлат банки ва ССЖИ жамғарма банки фойда фоизининг аниқ миқдорини белгилаб қўйсинлар.

3. ССЖИ жамғарма банки аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишни таъминласин.

курساتилаётган хизмат соҳасини кенгайтириш, фуқароларнинг банд бўлмаган пулларини жалб этишнинг янги шакллари оммалаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ривожлантириш ҳамда аҳолига қарз бериш туриш практикасини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

4. ССЖИ молия вазирлиги ва ССЖИ жамғарма банки янги фойда системани ҳисобга олиб, 1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли зайёми ва ССЖИ жамғарма банки сертификати шартларини ўзгартирсинлар.

5. ССЖИ давлат банки 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банкка қўйган маблағларига ва уларга бериладиган қарзларга фойданинг янги миқдорини жорий этсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентини
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 25 октябрь.

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ МАДРИДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

М. С. Горбачев Испания қиролни Хуан Карлос I нинг таклифига биноан 26 октябрь кунин расмий ташриф билан Москвадан Мадридга жўнаб кетди. ССЖИ Президенти Франция Президентининг таклифига биноан шу мамлакатга ҳам ташриф буюради.

Сафарда М. С. Горбачев

га Э. А. Шеварднадзе, Л. А. Воронин, Н. А. Назарбаев, А. С. Черняев, С. К. Романовский ҳамроҳлиги қилмоқдалар.

Аэропортда Президентни ССЖИ Вазирлар кенгашининг раиси Н. И. Рижков, ССЖИ Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов, ССЖИ президентлик кенга-

шининг аъзолари В. В. Ваткин, В. И. Болдин, В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин, Д. Т. Язов, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Испаниянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили Э. Панез, Франциянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили М. Песик бор эдилар.

(ТАСС).



Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИНING ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ҲЎЖАЛИКЛАРИДАГИ ЧОРВА ВА ПАРРАНДАНИ ОЗУҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият аҳолисининг шахсий ҳўжаликларидagi чорва ва паррандачилик озуқа билан таъминлашни янада яхшилаш ва чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш мақсадида қўйидагиларни зарур деб ҳисобладиман:

1. 1991 йилдан бошлаб чорвачилик учун озуқа бўлган пахта чигитини қайта ишлаш маҳсулотини (исилит ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ишларига бериладигани бу ҳисобга кирмайди) жумҳуриятдан ташқарига етказиб бериш беқор қилинсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши: — Қорақалпоғистон МССЖ, вилоят, район ижроия қўмиталари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари иш-тироқида ушбу масала юзасидан илгари қабул қилинган Фармон қандай бажарилаётганини текширсин ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи ҳўжаликларида бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратилган ва 1991 йилда давлат ресурсларидан йилга ҳар бир сиргирга 160 килограмм кунжара, 115 килограмм чигит шўлкасини қўшимча равишда ажратишни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин;

— аҳолига ҳашак, ширали озуқа ва қўшмак сотишни кескин кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдалансин; — ушбу Фармон бажарилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, Фармон қандай рўбга чиқарилаётганлиги тўғрисида мунтазам, ярим йилда бир марта ахборот бериб туриш ва текширув материалларини матбуотда ҳамда телевидение орқали ёритиб бурсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
Тошкент шаҳри,
1990 йил, 25 октябрь.

Н. КАРИМОВ.

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1990 йил 29 октябрь соат 10 да Ўзбекистон

Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари 28 октябрь кунин эрта-лаб соат 10 дан 19 га қадар

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатида рўйхатга олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари гуруҳлари вакиллари кенгаши 29 октябрь кунин эрта-лаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кичик мажлислар залида бўлади.

гидрометеорология хизматида қарашли бошқарманинг «Дукант» қор кўчкисини олдиндан аниқлаш станцияси ходимлари қишкни мавсумга ҳозирлик кўриб бўлдилар. Станция жойлашган ҳудуд атрофида бир қатор саноат корхоналари, турист комплекси, кўп километрли автомобил йўллари бор. Кўчкни хавфи бўлган жойларга қор қалинлигини ўлчайдиган тахтачалар, беланд тоғлар устига эса бункерларда кўчкни маълум қиладиган телеулов асбоблари ўрнатилди. Шунингдек, қор кўчкисини хавфининг олдини олиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди. Суратларда: «Дукант»га сайёхатга келган Янгйобод шаҳри ўқувчиларини кўриб турибсиз; станция ходими Артур Седой навбатдаги иш кунларидан бирида.

С. ВЕЛЕЧКИН сурати.
ЎЗТАГ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТЛАРИ КОМИССИЯСИДА

СОВРИН ДОРЛАРНИ КУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон ЛКЕИ Тошкент вилоят қўмитаси ҳузуридаги Тошкент вилоят Ленин комсомол мукофотлари комиссияси 1990 йил учун адабиёт, журналистика ва санъат соҳасида вилоят Ленин комсомол мукофотларини қўйидаги номзодларга беришга қарор қилди.

1. АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА:

Исроилов Зоир — Ғалаба ноҳиясидаги «Ленин йўли» рўзномаси бўлими мудири. Ёшлар муаммоларини матбуотда кенг ёритган бир туркум мақолалари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Ғалаба ноҳия қўмитаси тавсия этган.

Тошев Иброҳим — Пискент ноҳия ижроия комитети маданият бўлими ходими. Ёшлар орасида ўзбек адабиёти ва санъати аъёнларини тарғиб қилишдаги хизматлари, ёшлар ҳаёти муаммоларини ёритган бир туркум мақолалари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Пискент ноҳия қўмитаси тавсия этган.

II. КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА:

Бобораҳимов Абдукарим — Ангрен шаҳридаги 2-маданият уйи «Чотқол» халқ ансамблининг бадний раҳбари. Ўзбек халқ кўшқичилик санъатини тарғиб қилиш ва ёшларнинг мароқли дам олишини ташкил қилишдаги ютуқлари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Ангрен шаҳар комсомол қўмитаси ва

Ўзбекистон Давлат телевидениеси мушқали курсатувлар бош таҳририяти тавсия этган.

«Рассвет» — Чирчиқ шаҳар «Электромпро» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйи қошидаги цирк жамоаси. Цирк санъати аъёнларини ёшлар орасида кенг тарғиб этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитаси тавсия этган.

Раҳматов Нозим — Ангрен шаҳридаги 29-ўрта мактаб қошидаги «Бинафша» ансамбли бадний раҳбари. Ёш авлоднинг эстетик руҳда тарбиялашдаги ибратли ишлари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Ангрен шаҳар комсомол қўмитаси тавсия қилган.

«Ўзбекистон қизлари» — В. И. Ленин номи Тошкент давлат дорилфунуни маданият саройи қошидаги халқ рақс ансамбли. Талаба ва ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш борасидаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ С. Раҳимов ноҳия комсомол қўмитаси тавсия этган.

III. ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ СОҲАСИДА:

Алибеков Сергей — «Ўзбекфильм» давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Ўзбекфильм» бирлашмаси постановкачи режиссери.

Муроджонаева Светлана — шу бирлашма постановкачи режиссери. «Ўзвийлик» мультфильми учун.

«Ўзбекфильм» давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тавсия этган.

Нарзуллаев Сайдullo — Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик курсатувлар таҳририяти режиссёр ассистенти. Спектакллардаги ижрочилик ва режиссёрлик маҳорати учун.

Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик курсатувлар бош таҳририяти тавсия этган.

«Петрушка» — Чирчиқ шаҳридаги «Электромпро» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройи қошидаги кўчирчоқ театри. Ёшлар орасида санъатимиз аъёнларини тарғиб қилишдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитаси тавсия этган.

IV. Меъморчилик соҳасида: Комиссияга материаллар тавсия этилмаганлиги учун бу соҳадаги мукофот комиссия томонидан кўриб чиқилмади.

мавсум бошидан бери 117 тонна пахта терган.

2. Ғалаба ноҳиясидаги Свердлов номи жамоа хўжалигидан Зияд Амиров, (86 ва 91 тонна).

3. Бўка ноҳиясидаги Тимирязев номи жамоа хўжалигидан Сулей Асроров, (85 ва 165 тонна).

ТЕРИМЧИЛАР:

1. Янгйўл ноҳиясидаги Ленин номи жамоа хўжалигидан Гулнора Абдуқодирова. У ўн кунда 1810 килограмм, мавсум бошидан бери 6400 килограмм пахта терган.

2. Бекобод ноҳиясидаги «Шифокор» зарбдор комсомол-ёшлар отряди аъзоси Феруза Абдуллаева, (1800 ва 8400 килограмм).

3. Янгйўл ноҳиясидаги Калинин номи жамоа хўжалигидан Гулнора Мирсайдова, (1793 ва 4858 килограмм).

ЯНА ИККИ НОҲИЯ МАРРАДА

● БЕКОБОД ноҳияси пахтакорларининг давлат қабул пунктларига топширган ҳосиллари 53450 тоннадан ошди.

Хом ашёнинг 40 минг тоннага яқини машиналар билан йиғиштириб олинди. Ноҳиядаги «КПСС XXV съезди» номи шўро хўжалиги деҳқонларининг меҳнатлари ҳақида алоқиди тўхталиб ўтиш лозимдир. Хўжаликда шу кунгача топширилган пахта 7500 тоннага етди.

Бекободда энг кўп пахта терган меҳанизатор Аҳмадали Отавалиев бўлиб у машинаси бункеридан тўққан ҳосил 300 тоннадан ошиб кетди. Но-

ҳия пахтазорларида терим давом этапти.

И. МАМАТҚУЛОВ.

● ОКҚУРҒОНликлар вилоят хирмонига 50400 тонналик ҳосил билан ҳисса қўшдилар. 18032 гектар ерининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди.

Ноҳиянинг С. Сегизбоев номи, Оқўртон шўро, Вотинцев, Охунбобоев номи жамоа хўжаликларининг бу хирмонга қўшган ҳиссалари айниқса катта бўлди.

Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизи машиналар билан терилди.

М. ТОҶИБОЕВА.

«ОБУНА—91»

ЕЗИЛДИНГИЗМИ?



Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги кўп жумҳуриятимизда ҳам 1991 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этапти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» РЎЗНОМАСИГА ҲАМ ОБУНА БУЛИШНИ УНУТМАН.

Бўйинг учун «Союзпечать»

ндораларига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турав-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

РЎЗНОМАНИНГ ОБУНА БАҲОСИ 1 ЙИЛГА — 15 СЎМ 60 ТИЙИМ.

ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИДА

КИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ?

Пахта ҳосилининг терим олиш бўйича вилоят комсомол-ёшлари ўртасида иккинчи ўн кунликда социалистик мусобақада ғолиб деб топилдилар.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ЖАМОАЛАРИ:

1. Янгйўл ноҳиясидаги Ленин номи жамоа хўжалигининг Қўқор Усаров бошлиқ бригадаси.

2. Коммунистик ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Обид Шодиев бошлиқ бригадаси.

3. Ғалаба ноҳиясидаги Димитров номи жамоа хўжалигининг Қаҳҳор Омонқулов бошлиқ бригадаси.

ЗАРБОР КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ГУРУҲЛАРИ:

1. Оққўртон ноҳиясидаги Олия Саппарова командирлик қилаётган «Оқ олтин—90» отряди.

2. Бекобод ноҳиясидаги Рустам Пирматов командирлик қилаётган «Ёшлик» отряди.

3. Пискент ноҳиясидаги Шукур Муродов командирлик қилаётган «Педагог» отряди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР:

1. Коммунистик ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Қувонч Ражабов. У ХНП-1,8 агрегатда ўн кун мобайнида 100 тонна,

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТУҒРИСИДА» ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

АНИҚ ВА ПИШИҚ БЎЛСИН

ТОШКЕНТ вилояти маҳаллий Советларининг депутатлари «Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари туғрисидаги қонуни лойиҳасини» ҳуқуқ ўрганиб, агрофлеча муҳомада қилмоқдалар. Шу жараёнда лойиҳада бир қатор қўшиқчалар, айрим бандларнинг янги таҳрирда бериш таклиф этилмоқда. Халқ депутатлари вилоят Совети уларни умуллаштириб қонуни чиқарувчи органларга тақдим этмоқда.

Оҳангарон ноҳия Совети депутати Куйбишев номи шўро хўжалиги бош иқтисодчиси С. Медешев ижтимоий ҳаётдаги муаммоларини тезроқ ҳал этиш йўллариини излаб лойиҳага бир қатор қўшиқчалар киритишни таклиф этмоқда. У 9-моддани шаҳар ва ноҳияларда бунёд этиладиган қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш ташкилотлари

билан ҳамкорликда тайёрлансин деган фикр билан тўлдириш керак, деб ҳисоблайди. Шунда қурилиш ташкилотларининг имкониятлари тўла ҳисобга олинди, объектлар чала қолмайди.

34-моддадаги фикрларни ҳам ривожлантириш керак. Ўзининг ҳудудий даражадаги Советлар ундиридан давлат бож, маҳаллий солиқ ва йиғимлар қаторига

совет территориясининг корхоналар даромадининг маълум фоизини ҳам қўшиш керак. Шунда маҳаллий бюджет яна ҳам бойинган, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш енгиллашган бўларди.

Бекобод ноҳиясидан сайланган бир гуруҳ депутатлар маҳаллий Советларининг сессияларини 13-моддада белгиланганидек, йилда тўрт марта эмас, балки икки марта ўтказишни таклиф қилмоқдалар. Улар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессиялари тегишли Совет депутатларининг ярмидан кўпи (13-моддада белгиланганидек камидан ундан икки қисми эмас) киритган таклифга мувофиқ қақри-лиши мумкин демоқдалар.

15-моддага ҳам эътирозлар билдирилмоқда. Иккинчи хат боши «Совет раиси Советнинг қарорига биноан ўз аризасига кўра ёки Совет депутатлари янгидан қўшининг (камидан ундан бир қисмининг эмас) талабига биноан вазифасидан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин, деган таҳрирда берилишни таклиф этмоқдалар.

16-модданинг 2-бандида Совет раёсати таркиби хусусида гап боради. Депутатлар бу таркибга ижроия комитетларнинг раисларини киритиш шарт эмас, деган фикрни билдирмоқдалар. 4-банднинг учинчи қисмининг «Совет ижроия комитетининг унинг бўлимлари ва бошқарушнинг маҳаллий Совет территориясини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига доир ҳисоботларини (ахборотларини эмас) тинглайди, деган таҳрирда бе-

риш керак. Шунда Советларнинг таъсир кучи яна ҳам ошган бўлади. 6-бандга аса «Халқ депутатлари Совети раёсати йиғилиши ҳар ойда бир марта ўтказилади», деб аниқ ёзиб қўйилиши керак.

Лойиҳанинг 18-моддасига ҳам бир қатор ўзгаришлар таклиф қилинапти. Ўқуладан, 1-банддаги «уч киши» сўзларини «беш киши» деб ўзгариштириш, 3-банднинг 2-жумласини «Тафтиш комиссияси» деб бошлаш тавсия қилинапти.

Лойиҳада ортиқча тафсилотлар ҳам йўқ эмас. Уларни кўриб чиқиб яна ҳам илҳам фикрларда баён этиш мумкин. Қонуни бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланладиган назолат хусусида ҳам фикрлар киритилса ёмон бўлмасди.

Лойиҳа муҳокамаси давом этапти.

Ж. НОСИРОВ.

Омад ҳамиша ёр бўлсин!

Қурбон ЭШМАТ.




Бедарар кетган амакин, қат-
гон йилларнинг шаҳидлари-
ни эслатади. Шундай руҳи-
кечина чоғда ўзини ту-
тиб туролмайман. Алам-си-
тамларим кўзимдаги ёш бил-
лан оқиб кетади. Ростаман
хонанда «Файзулло бобо»ни
айтади, деб интиққандим.
Афсуски вақт чегараланганим
туфайли бу қўшиқ куйланма-
ди. Талаб қилишга эса уял-
дим. Ўзимда йўғу, аммо
қўшимизнинг магнитофо-

АЛИФБОННИ ЎРГАНАМИЗ

” ” ” ” ”

M. A. Gerasimov, D. V. Mironov



СУРАТДА: Бобурнинг эв-
раси Шохжаҳон Ҳиндистон-
да Қашмир шаҳрида қурдир-
ган боғни кўриб турибсиз.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИНИНГ СИРТҚИ ТАЪЛИМ МАКТАБИ

- 2 -

3E () ХАРЦИ.

Зе узбек тилидаги "э" ҳарфини ифодалаймиз, Зе ҳарфи битта нуктаси билан ташқлан ҳушас ҳарфлардан фарқланади. Ҳамдан олдн келган ҳарфларга боғланиб, кейингисига боғланмайди. Езувда икки хил кўринишга эга: Якиа ҳолда (э), боғланган ҳолда (э).

Масалан бир қисми сатр чицаидаган пастга кушнриб ёзилди:

Ўқилиши	боғланиши	қўшиб ёзилган намунаси
зард	زرد	زرد + ت
дароз	دراز	دراز + ت

5-топшириқ. 3-Енинг биринчи кўринишини беш қатордан ёзиб чиқинг.

/ / / / / / / / / /

— — — — —

16-ТОПЛИВНИМ 35-МІЛІОМ НАСІВНИМ ВІДМІННИМ БОС КОТОРОГО НАСІВНИЙ

10-ғолшария. Зейинг иккинчи куринисини беш қатордан езиб чиқи

.....

17-топшириқ. Қунидаги сўз бўгинлари ва сўзларни ўқинг, кучайриб

• ۱۲۰ •

ش، از، از، از، از، از، از، از

99 99 99 99 99 99 99 99 99

Handwritten: 1 . 2 . 3 . 4 . 5 . 6 . 7 . 8 . 9 .

روز، روز، دراز، روز، روز، از

M. A. Gerasimov, D. V. Mironov

М. Абдулхайров, Р. Жуманнёзов.

Социал масалалар бўлимида

ТАСАВВУР қилинг, сизга ер ажратилди. Қурилиш бошланди, энди ўша гиштини қаердан топиш мумкин? Учаска қурмаганлар гишт заводларини кўриб, биттасига шартта бориб олиб келаверсан, дейишди, гўё ҳаммидан қил сўрагандек. Бу савол билан минг азобда учаска қурганларга ва қураётганларга мурожаат қилсангиз борми, ҳасратларидан чанг чиқади. Пойтахтимизда «Уриқ-зор» ҳаёсидаги каби юзлаб уйлар қурилатган ҳақларнинг ўзи бирқанча. Давлат ва жамоа ҳўжаликларидаги экин майдонлари қисқартрилиб шахсий уйга ажратилган ерларда яна қанча қурилишлар. Гишт олишдаги сарсонгарчиликлар тўғрисида кетма-кет шикоят хатлари келмоқда.

Тахрирчи ёз охиридаги гишт ололиғи оворам-сарсон бўлган, озорқ олган гиштиндан анча «уриб» қолган Абдулҳафиз Ғаниевдан хат олди: «1990 йилининг март ойида Янгийўл шаҳар кироққайдан аризмами бинаов ўн минг гишт ёздириб олдим. Янгийўлдаги 8-гишт заводлари бошқармасидан 5 апрель кунин беш минг гишт оладиган бўлдим. Ташқарида юк машиналари ҳайдовчилари билан келишиб учинчи заводга [8-бошқармада тўртта завод бор] кириб келдик. Иккинчи машинага 4 минг 600 гишт ортиб беришди, қолганини кейинги сафар олмасиз дейишди. Гишлар тўп-тўп қилиб қўйилар экан. Завод бошлиғи Қадиромон деган йигитдан бу тўпда қанчадан гишт борми, сўрасам у «стандарт—400 тадан», деб жавоб қайтарди. Қизқиб тўпини экидан, бўйидан ҳисобладик — 285 та чиқди! Бу ҳақда заводлар бошқармаси директорининг ўринбосари Аҳмад Усмоновга айтас, унинг маҳли чиқди... Хуллас, уйда гиштини битталаб санаб чиқдик. 4600 та дейилган гишт 3900 та чиқди. Бу ҳақда акт тузиб қўйдик.

Езга келиб қолган беш минг гиштини олгани борми. Базур иккинчи мингини беришди. 24 июлдан бошлаб иккинчи заводдан гишт олиш учун саккиз кун қатнайдим, бўлмади. Абдунаби Абдуҳакимовга учрашдим. Барча топгур, тушуниган йигит экан, сизин овозга қилиб қўйишбди деб хат ёзиб берди. Заводдагилар эса «иккинчи ой олдин бизнинг гиштини санаб, обрўйимизни тушурган эдингиз, сизга гишт йўқ» дейишди. 30—31 июль кунлари яна бошқарма директорига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Шу заҳоти 2-завод гишт сотувчиси Ойниса исмли аёлга хат ёзиб берди. Ойниса эса: «Ҳозир Усмонов келиб, у кишига гишт бериш ишдан ҳайдайман, деб айтиб кетди деди... Ҳаридор ҳисобидан «тежаллар» ўн минглаб гишларнинг мингтасини 110—120 сўмдан пуллаётган, одам қадрини топаётган бундай одамларни жазолайдиганлар борми!»

Вилоят Ички ишлар бошқармасининг давлат мулкни талон-торож қилишга қарши кураш бўлимида шу ҳат асосида «операция» ўтказиш режаси тузилди. «Операция» БХСС бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича тезкор вакили милиция майори Комилжон Турсунов, тезкор вакили милиция катта лейтенанти Шавкат Исмоиловлар иштирокида ўтказилди.

29 сентябрь. Гишт заводидан чиққан 66—62 ТШЛ номерли ЗИЛ-130 машинаси изига тушди. Машина Калинин йонияси Свердлов қишлоқ шўроси ҳудудидagi М. Азимов кўчаси 7-уй олдига гиштини ёдаради. 1-хўжалик ҳисобидagi автокорхона ҳайдовчиси Бахтиёр Абдуҳасимовдан ҳужжатлар сўралганда, «Ташбелмелиоводстрой» бошқармасига қарашли 2-механизациялашган кўчма колоннасидаги гишт олиш учун берилган ҳужжат ҳамда иккинчи гишт учун 120 сўм, автохизмат учун 10 сўм пул тўлангани ҳақида квитанцияларни кўрсатди. Бу

ҳужжатларга кўра гишт... салкам иккинчи ой олдин олиниши керак эди. Текширувчилар лақма эмаслигини кўрган ҳайдовчи гапни кўп қўзиб ўтирмасдан шундай деди:

— Чиноз ноҳиясидаги кўчма механизациялашган колоннанинг экспедитори Асат ака машинага гишт орттириб, қурилишга олиб бор, деди. Мен илгари мана бу уйни қураётган Абдурахмон билан келишиб қўйган эдим, шунинг учун бу гиштини тўғри шу ёққа келтирдим.

— Қанча гишт олиб келдингиз?

— 1300 та.

— Қанча пул олдингиз?

— Ҳозир пул олганим йўқ, биз охирида ҳаммасини бир қилиб ҳисоб-китоб қилмоқчи эдик.

Ҳайдовчи айбдорлигини, уни кечирганини сўради. Айнан шу воқеа — жиноят содир этилишининг сабабчиси бўлиши Чиноздаги «Агрокоммунсельремонт» бирошмасининг ҳайдовчиси Асат Асодов билан суҳбатлашамиз.

— Сентябрь ойи охиригача ташкилотимизга 2800 та гишт олиб келишим керак. 30 сентябрь кундан кунин бўлгани учун 29-да заводдаги гиштини олиб кета қолай дедим. Қарасам, бир ортишда ҳаммаси машинага сикмас экан. Машинам

чўнтагидан эса 13 сентябрда Т. Юсупалиев номига ёзилган талабнома ҳамда 18 сентябрда 990 сўм пул тўланган ҳақида ҳужжатларни чиқарди. Бу талабномада 1400 та гишт ортилгани белгиланган.

— Ҳозир қаерда бўлишингиз кўрак эди, — сўраймиз ҳайдовчидан.

— Бу манзилга гишт олиб келишимни Янгийўл пахта тозалаш заводи директори И. Қозоқбоев буюрди.

— Нега рад этмадингиз?

— Бошлиқнинг гапини қайтариб бўладими! Илгари ҳам бу уйга беш-олти марта гишт ташлаб кетганман.

2503-автокорхонанинг бу юк машинаси Янгийўл пахта тозалаш заводидаги хизмат кўрсатади. Заводга келган машина эса шахсий юмушларни бажариш билан банд бўлар экан. Тоҳир Юсупалиевнинг тушунириш хатидан: «Ариза билан Янгийўл гишт заводидан 15 минг гишт ёздириб олган эдим, бунинг учун 990 сўм ҳақ тўланган. Гиштини юборишда қайнотам Илҳом Қозоқбоев ёрдам берадир. Бу воқеани газета саҳифасига олиб чиқиб, қайнота ва кўва ўртасига асло совуқчилик тушириш ниятимиз йўқ. Биз бу воқеани қонун нуқтаи назаридан баҳолашга ҳаракат қилимиз, холос.

маротаба буйруқлар берганман, лекин бу билан ишнинг ўнглаб бўлмапти, ишчиларни ҳайдаб юбориб бўлмайди, бугун биттасининг муддати тугаса, эртага бошқа худди шу нақаси келади...

Бундан чиқди, заводларда ҳали-вери иш ўнгламас, ўғирлик давом этаверар экан-да. Ҳар бир тахламда 40—50тадан етмай турса, кимга фойда-ю кимга зиён? Энди шундай оддий ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Бошқарма бўйича бир кунда 170 мингта гишт чиқади, бир йилда 70 миллион дона. Агар тахламларда кам чиқаётган гишларни 20 фоиз деб олсак, бир йилда бошқарма ҳалқ ва давлатдан 1 миллион 400 минг дона гишт «иктисода» қилаётгани аниқланади. Энди бу гишларнинг ҳар мингини давлат баҳосида 66 сўм, «қўл баҳосида» 120—130 сўмданга сотилишини ҳисобласак, қанча пул бўлади!... Ҳа, дарвоқе, 1986 йилда виллоят БХСС хизмати ходимлари худди шундай текшириш ўтказганларида сотувчи Зухра Абдуллаева билан қурилиш прораби Юрий Головин ўзаро жиноий тил бириктириб гишнинг минг донасини 150 сўмдан сотаётганларида қўлга тушган эдилар. Тўрт йил

бош тортиди. Эртасига виллоят БХСС бўлимида хат муаллифи иштирокида учрашшга келишди.

— Мени сизларга нисбатан ҳеч қандай адоватим йўқ, эризмадан гиштини олишим учун 17 кун сарсон қилганингиз юрак-бағримдан ўтиб кетди, — деди хат муаллифи Абдулҳафиз Ғаниев бошқарма раҳбарларига қарата.

А. Усмонов ўз навбатида:

— Ешигингизни, кексаллигингизни ҳурматлаб баҳорда шанба — аҳолига гишт сотиладиган кундан ташқари бериб юборган эдим. Езда эса гишт ишлаб чиқариш бўйича йиллик режадан 9,5 миллион дона орқада эдик. Аввал қурилиш ташкилотларига беришим керак эди. Шунда бир-икки кун қатнаб қолдингиз.

А. Ғаниевнинг гапига қараганда, А. Усмонов билан ҳар кун учрашганлар. Охири сабр кассаси тўлган хат муаллифи бу сарсонгарчиликларни керикил жойга етказишни айтган. Директор муовини эса истаган жойга бориши мумкинлигини айтиб қўл силтаган. Бу гаплар майда бўлиб кўришни мумкин, аммо 17 кун икки минг дона гишт ололмай сарсон бўлишлар, асаб бўзилишларини айтмайсизми. А. Ғаниев эса 17 кун давомида кўп қинғир ишларнинг гувоҳи бўлган. Оддий меҳнаткаш одамга баъзи бой-ваччаларнинг беташвиш гишт олиб кетиши алам қилган.

— Бу орада икки марта бошқарма директори А. Абдуҳакимовга учрашдим, у барча топкур икки марта хат ёзиб берди. Унинг биттасини Аҳмажон йиртиб ташлади ва сотувчи Ойниса исмли аёлга бориб «гишт бермагин» деб айтди. Иккинчи хат мана — қўлимда.

Директор гишт бериб юборишни сўраб ёзган хатини тав олди. А. Усмонов эса «мен қандай қилиб директор хатини йиртмаган» деди. Нима бўлганда хатнинг ўзи ёзилиши ҳам бир қондабузарлик, қолаверса заводдаги тартибсизликларнинг бир исботи. Раҳбарлар шу гаплардан кейин ишни тўғрилашга ваъда бердилар, хусусан А. Ғаниевга кам гишт берган, оворазоланган қилганларини топиб жазолашларини айтдилар.

Яна гишт заводларига хос бўлган бир хусусият ҳақида гапириб ўтмасдан бўлмайди. Қамоқ жазосини ўтаганлар моддий жавобгар ишда, хусусан раҳбар бўлиб ишлашлари мумкин эмас. Биз бундай одамларни камситиш, қадрини тушуриш учун эмас, балки бу гапларини шанъи манъафати нуқтаи назаридан айтаялми. Асарият заводларининг ишлаб чиқариш устаси, бошлиқлари ўз вақтида қамалиб чиққанлар. 8-бошқарма ҳам бундан мустасно эмас. Бу ҳақда юқори ташкилот раҳбарлари уйлаб кўрса ёмон бўлмасди.

Ва охириги мулоҳаза шу бошқарма хусусида гапирилмаган бўлса Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасига 40 миллион Янгийўл аҳолисига 1 миллион гишт бериш режалаштирилган. Бу эса ўз-ўзидан шахсий уй қуриш учун жууда кам. Одамларга уй-жой қуришга ажратилган ерга муносиват гиштини ҳам режалаштириш зарур. Бир миллион гишт аҳолининг сирғам ахтиёжини қондирилолмайди. Бу эса гишнинг нархини иккинчи баробар ошиб кетишига олиб келди. Яқинда ёққан ёлғирлар эса шахсий уй қурувчиларни анча шошириб қўйди. Заводларнинг остонасида эса бир томонда гишт олишга пул тўланган ҳўжжати чангаллаган, бошқа томонда наватсиз оладиганлар саф тортиб туришибди...

Б. ХОЛМАТОВ,
виллоят БХСС бўлимининг бўлими бошлиғи, милиция майори.

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқатининг» махсус музбири.

Бир хат издан

ГИШТ
МОЖАРОСИ

Долзарб мавзуда

га 1500 тасини ортиб бўлгач, 1300 тасини 66—62 ТШЛ ҳайдовчисида илтимос қилиб манзилга етказиб қўйишни сўрадим. У йўқ демади ва Чинозда учрашшга келишиб тарқалишдик...

Ҳар ҳолда бу бир машина гишт Б. Абдуҳасимовга қимматга тушди, энди у қилмишига яраша жавоб беради. Худди ўша пайтда эса гишт йўқлиги сабабли қурилиш майдонидида иш тўхтаб қолган эди.

Орадан икки-уч кун ўтгач Абдурахмон Усмонов билан суҳбатлашдик.

— Яқинда бир тўйда гапдан-гап чиқиб гишт кераклигини айтиб қолдим. Даврада ўтирган Бахтиёр исмли йигит суҳбатга қўшилиб «минг дона гиштини 120 сўмдан ташийман, рози бўлсангиз олиб келаман» деб қолди. Рози бўлиб уй адресини ёзиб бердим. Лекин унга ҳали пул бермаган эдим...

Кейинчалик маълум бўлишча Бахтиёр Абдуҳасимов 1 август кунин 2-кўчма колонна ишчисига қонуний икки минг гиштини уйга элтиб бергану, ҳўжжатларини бермаган. Бунини «яхши кўнларда» ишлатарман деб асраб қўйган...

Халқ орасида қувларни пайғамбарлар ҳам сийлайди деган гап юради. Бу гапнинг қанчалик рост-ёгонлигини билмаймизу, аммо ҳамма қайноталар ҳам қувларига қўлдан келган ахшиликларни қилвермайдилар. Қувларнинг давлат ҳисобидан, лавозимидан фойдаланиб сийлаш ёмон оқибатларга олиб келишини ҳамма ҳам билмавермас экан. Р. Ботиров бошқарган 28—24 ТШН номерли ЗИЛ-555 машинаси Калинин ноҳия Свердлов шўро хўжалигида Ленин кўча 202-уйга гишт тўкиб келаятганда тўхтатилди. Машинанинг йўл арақасида Чирчиқдан тош олиб келиш кўрсатилган. Ҳайдовчи бошқа

Т. Юсупалиевнинг хонадонига тўқилган гиштиндан эш дона кам чиқди. Гишт заводларида маҳсулотнинг машиналарга кам ортилиши оддий ҳол экан. Бўлмаса 2503-автокорхонанинг ЗИЛ-138-А маркали 81—68 ТШМ номерли тиркачилик машина Тошкентга келтирган 2 минг 800 дона гиштиндан ҳам 150 та кам чиқмас эди. Бунинг асл сабабларини қидириб 8-бошқарманинг гишт заводларида бўлдик.

2-заводда ўнга яқин гишт тахламлари (поддонлар) турибди.

— Ҳар бирида 400 та гишт бўлиши керак, — деди завод бошлиғи Қадиромон Мақсудов. Бошлиқнинг бу нонаник гапи ҳам бир тахлам ҳам қачон 400 та бўлмаслигини сездириб қўйди. Тахламни бўйи энига қўшиб ҳисоблаганда 357 та чиқди. Бошлиқ «қўлда санаб керак» дея эътироз билдиригач, гишларни битталаб олиб санаб бошладик. Бу сафар 335 та — аниқ ҳисоб чиқди. Бошқа тахламлардан ҳам 46 та ва 72 тадан еттихмаслиги аниқланди. Худди шундай ҳол 1-заводда ҳам кузатилди.

Бошқарма директори А. Абдуҳасимов, директор ўринбосари А. Усмонов ҳамда завод бошлиқлари, сотувчилар иштирокида сўнгги факт юзасидан мунозара бошланиб кетди.

— Тўғриси янги айтиш керак, заводда шартли қамоқ жазосига маҳкум этилганлар ишлайди. Улар билан ишлаш жууда оғир. Ҳом гишт қўяётганда, пекчада улар қандай ишлаётганини назорат қилолмаймиз, бундан эса ишчилар фойдаланадилар, — деди 2-завод бошлиғи Қ. Мақсудов.

— Унда сизлар нима учун бошлиқсизлар?

Бу саволини ҳамда бошқарма директори жавоб берди:

— Шу йилининг январь ойида директор этиб тайинланган бўлсам тахламларда гишнинг кам чиқишида маъсۇл ходимларини жазолаш ҳақида кўп

ўтибдик, ҳамон ўша аҳвол. Ўша воқеадан тўғри хулоса чиқариб олмаганлар, яна тушшукларидан илиниб турибдилар. Қонунсиз гишт сотиш ҳамма заводда, ҳар соатда, ҳар кунин бўлади, кўза эса кунда сикнади.

— Бу ерда битта «касали» бор, шу «касали» даволанмас экан иш ҳеч қачон тўғри бўлмайди, — деди Аҳмад Усмонов. — Бу заводда тайёр маҳсулотлар омбори йўқ. Барча сеноат корхоналарида ана шундай омборлар бор. Бу ердаги гишт пекчадан чиқиб билан машиналарга ортिलाди, гишт тахламни эса ҳеч ким санаб ўтирмайди, бундан эса ишчилар фойдаланади.

Қизиқ, фақат ишчилармикини? — Сабабини билар экансиз, камчилигини тугатиш керак, ёки...

— Заводга келганимга ўн йилдан ошди. Шунча даврдан бери гишнинг омборга тушишини, уни омборчи ёки сотувчи санаб олишини талаб қилавериб чарчадим. Тўғри, бунга эришиш осон эмас. Заводларда биттадан кўтарма кранлар бор. Бу битта кран гиштини пекчага олиб киради, олиб чиқади, машинага тахлайди ва бу жараён узлуксиз давом этади. Лоқал яна битта кран бўлса вазифаларни тақсимлаб, гишнинг омборга тушиши, у ерда санаб имкони бўларди.

Директор муовини кран ахтариб, уни топиб беришни сўраб борган юқори ташкилотлар ноини санаб кетди. А. Усмонов ўн йилдан ошди даврда ишни ўнглай олмаган экан, яқин орада заводларда тартиб ўрнатилишига умид боғлаб бўладими?

Мунозарани яқунлаб муҳарририятга келган шикоят хати ҳақида гап очдик. А. Усмонов хатнинг биринчи бетини ўқиб тугатмаёқ шикоят муаллифини сиз уни муҳокама қилишдан саволларга жавоб беришдан



• Турмуш чорраҳаларига •

ўртага совуқчилик тушираётганлар сон ҳали оз эмас. Аксинча кўпайиб борапти. Бу гапларнинг тағини суриштирсангиз улар аввало оила катталаридан келиб чиқётганлигининг гувоҳи бўласиз. Икир-чикирлар туфайли ёш оқлалар дарз кетаётгани барча ота-оналарни ҳам ташвишга соляпти. «Сен кўё бўлиб нима кўрддинг?», «Бо худо, кизим, қайнонанг ўлгудек зикна экан, қилган сару-поси икки пулга арзимайди» деб ёшларнинг дилини нимта-лаётган ота-оналар ҳам оз эмас, катталарни ҳурмат қилмай қўйган ёшлар қанчадан қанча. Айрим келинлар 50-60 ёшни қоралаб қўйган, «сочининг қорасидан оқи кўпроқ қайнона ёки қайнонани ўз измларига солиб, қайта «тарбияламоқчи» бўлишади. Майда-чуйда гап-сўз, келишмовчиликлар ва вақтида барҳам берилмаса у томир отиб кенгайверади. Хонадондаги нохуш муҳит эса оила аъзоларига таъсир этмай қолмайди. Бундай ҳоллар ҳам кўпинча ёшлар ҳаётининг бар-

талайгина. Уларга ҳавасим келадди. Лекин минг афсуски, ма-на шундай тотув хонадонлар-да ҳам баъзан фарзандларининг турмуши бошидаёқ ну-раб кетаяпти. Албатта бунинг турли сабаблари бор. Шуниси ачинарлики, озгина гап ўтиши билан куни кеча бир-бирларининг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйган, ҳатто мезбидан оши-риб борган қуда-андалар, бир-бирларининг бетиға қора чап-лашади, энг ёмон сўзлар билан ҳақоратлашади, ўзларини-гина ҳақ ҳисоблаб, қудаларига таъна тошлари отишади, юз кўрмасликкача бориб етиша-ди. Бунинг сабабини чуқурроқ билиш мақсадида маҳалламиз аёллари билан суҳбатлашдим.

— Майда-чуйда гап-сўз ўт-маган хонадон йўқ бўл-са керак, — дейди кутуб-хона мудариси, меҳнат ве-терани Баҳри опа Қорахона-ва. — Бироқ бундай гапларни кўчага олиб чиқиб, кўн-кўш-ни, қариндош-уруғга овоза қи-лиш жуда нотўғри. Ҳар қан-дай келишмовчиликни уйда,

тунлари уйқусизликдан толи-қади. Кундузи эса юмушларни бажариб улгурмайди. Шундай пайтда унга кўмак бериш ке-рак. Уйдаги ишларни бажар-мади, овқат пиширмади, деб жанжал чиқариш инсофсизлик бўлади. Кўпинча қайноналар «биз ҳам беш, олти болани катта қилганимиз, уй ишларига ҳам улгурганимиз» дейишади. Лекин у пайтлар билан ҳозир-ги даврни таққослаб бўлмай-ди. Менимча, қизларимизнинг ота-она уйига қайтиб келиши-да биз — маҳалладошлар ҳам айбдормиз. Улар бир-ини бор аразлаб келганида «фалончи-нинг қизи уйига келиб ўтириб-ди-я», — деган шивир-шивир-лар ўрнига ўша хонадонга ки-риб аҳволни суриштириш, ке-рак бўлса куданикига бориш, хуллас ёшларни келиштириб қуйиш керак.

